

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**20-сон**  
**(104)**  
**2004 й.**  
**май**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

230. «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелдаги 611–II-сон Қонуни
231. «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 29 апрелдаги 612–II-сон қарори
232. «Электрон тижорат тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелдаги 613–II-сон Қонуни
233. «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 29 апрелдаги 614–II-сон қарори
234. «Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелдаги 615–II-сон Қонуни
235. «Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 29 апрелдаги 616–II-сон қарори

*Учинчи бўлим*

236. «Кизилкумнодирметаллолтин» давлат концернини тугатиш ва Навоий кон-металлургия комбинати фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 майдаги 237-сон қарори [Кўчирма]
237. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташилаётган товарларни божхона томонидан назорат қилишни назорат қилишни кучайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 майдаги 239-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

238. «Номзодлик имтиҳонларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раёсатининг 2004 йил 25 мартдаги 103/5-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 18 майда 1356-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
239. «Ўзбекистон Республикасининг туристик ташкилотлари томонидан чет эллик туристларни қабул қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Ўзбекистон Республикаси Фавқулотда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлигининг 2004 йил 9 мартдаги 7, 43, 9/442, 3-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 19 майда 1357-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
240. «Марказлаштирилган молиялаштириш манбалари ҳисобидан объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қурилишини амалга оширишда пудрат қурилиш ташкилотларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2004 йил 4 майдаги 30, 253-В, 60, 6-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 19 майда 1358-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
241. «Монополист корхоналар томонидан декларация қилинадиган нархларни қўллаш тўғрисидаги қоидаларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2004 йил 30 мартдаги 54-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 майда 1359-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
242. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларига шовқинлар бўйича сертификат бериш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Парвозлар хавфсизлиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат нозирлиги бошлиғининг 2004 йил 16 апрелдаги 53-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 майда 1360-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
243. «Саноат намунасига Ўзбекистон Республикасининг патенти берилиши учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғриси-

- да» Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 21 апрелдаги 22-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 майда 1361-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
244. «Акциядорлик-тижорат Тадбиркорбанкнинг кредит линиялари ҳисобидан тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредит бериш ҳамда лизинг компаниялари томонидан лизингни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2004 йил 13 мартдаги 247-В, 45, 01/06-03-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 майда 1362-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
245. «Автомобиль транспортида шахар, шахар атрофи шахарлараро ва халқаро йўловчилар ташиш йўналишларини очиш (ёпиш) тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2004 йил 22 мартдаги 44-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 21 майда 1363-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
246. «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (22-сон БҲМС) «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби»ни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2004 йил 23 мартдаги 51-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 21 майда 1364-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
247. «Ташқи савдо контрактларига идентификация рақамини бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 3 майдаги 01-02/19-23, 25-В-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 21 майда 1365-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 15 майдан 21 майгача бўлган маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

## 230 Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида

#### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади электрон ҳужжат айланиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

#### 2-модда. Электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

#### 3-модда. Электрон ҳужжат айланиши соҳасидаги давлат сиёсати

Электрон ҳужжат айланиши соҳасидаги давлат сиёсати электрон ҳужжат айланиши кенг қўлланилишини таъминлашга, электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, электрон ҳужжатдан фойдаланиш стандартлари, нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқишга қаратилган.

#### 4-модда. Электрон ҳужжат айланиши

Электрон ҳужжат айланиши электрон ҳужжатларни ахборот тизими орқали жўнатиш ва қабул қилиб олиш жараёнлари йиғиндисидан иборат бўлади.

Электрон ҳужжат айланишидан битимлар тузиш (шу жумладан шартномалар тузиш), ҳисоб-китобларни, расмий ва норасмий ёзишмаларни амалга ошириш ҳамда бошқа ахборотни узатишда фойдаланиш мумкин.

#### 5-модда. Электрон ҳужжат

Электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот электрон ҳужжатдир.

Электрон ҳужжат техника воситаларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда яратилади, ишлов берилади ва сақланади.

Электрон ҳужжат электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларининг мазкур ҳужжатни идрок этиш имкониятини инобатга олган ҳолда яратилиши керак.

#### 6-модда. Электрон ҳужжатнинг реквизитлари

Электрон ҳужжатнинг мажбурий реквизитлари қуйидагилардан иборат:

электрон рақамли имзо;  
электрон ҳужжатни жўнатувчи юридик шахснинг номи ёки электрон ҳужжатни жўнатувчи жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;  
электрон ҳужжатни жўнатувчининг почта ва электрон манзили;  
ҳужжат яратилган сана.  
Қонун ҳужжатларида ёки электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларининг келишуви билан электрон ҳужжатнинг бошқа реквизитлари ҳам белгиланиши мумкин.

**7-модда. Электрон ҳужжатнинг юридик кучи**

Электрон ҳужжат қоғоз ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади.

**8-модда. Электрон ҳужжатнинг асл нусхаси**

Электрон ҳужжатнинг бир хил ҳар қайси айнан нусхаси, башарти у белгиланган тартибда ҳақиқий деб тасдиқланган бўлса, асл нусхадир.

**9-модда. Электрон ҳужжатнинг қоғоз нусхаси**

Электрон ҳужжатнинг қоғоз нусхаси бўлиши мумкин.  
Электрон ҳужжатнинг қоғоз нусхаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади ва сақланади.

**10-модда. Электрон ҳужжат айланишининг иштирокчилари**

Электрон ҳужжатни жўнатувчи ва электрон ҳужжатни қабул қилиб олувчи электрон ҳужжат айланишининг иштирокчиларидир.  
Электрон ҳужжат айланишида ахборот воситачилари ҳам иштирок этишлари мумкин.

**11-модда. Электрон ҳужжатни жўнатувчи**

Электрон ҳужжат реквизитларида номи кўрсатилган ҳамда электрон ҳужжатни қабул қилиб олувчига электрон ҳужжатни жўнатаётган юридик ёки жисмоний шахс электрон ҳужжатни жўнатувчидир.

**12-модда. Электрон ҳужжатни қабул қилиб олувчи**

Электрон ҳужжатни жўнатувчи томонидан электрон ҳужжат қайси юридик ёки жисмоний шахсга йўлланган бўлса, шу шахс электрон ҳужжатни қабул қилиб олувчидир.

**13-модда. Ахборот воситачиси**

Электрон ҳужжат айланиши билан боғлиқ хизматларни шартнома асосида кўрсатувчи юридик ёки жисмоний шахс ахборот воситачисидир.  
Ахборот воситачиси, агар электрон ҳужжат айланишининг иштирокчилари билан тузилган шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, электрон ҳужжатлар мазмунини ёки улардан фойдаланиш тартибини ўзгартиришга ҳақли эмас.

**14-модда. Электрон ҳужжатни жўнатиш**

Электрон ҳужжат, агар у бевосита электрон ҳужжатни жўнатувчи ёки унинг ахборот воситачиси томонидан жўнатиш билан бўлса, жўнатиш деб ҳисобланади.  
Агар қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, электрон ҳужжатни жўнатувчи томонидан унинг бекор

қилиниши мумкин бўлмаган жўнатилиш вақти электрон ҳужжатни жўнатиш вақти деб ҳисобланади.

**15-модда. Электрон ҳужжатни қабул қилиб олиш**

Агар қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса:

электрон ҳужжатни қабул қилиб олувчи томонидан кўрсатилган ахборот тизими орқали электрон манзил бўйича электрон ҳужжат келиб тушган вақт электрон ҳужжат қабул қилиб олинган вақт деб ҳисобланади;

электрон ҳужжат, агар электрон ҳужжатнинг қабул қилиб олиншини таъминлаган ахборот тизими ҳатто бошқа ерда жойлашган бўлса ҳам, электрон ҳужжатни қабул қилиб олувчи турган жойда қабул қилиб олинган деб ҳисобланади.

**16-модда. Электрон ҳужжатларни сақлаш**

Электрон ҳужжатлар электрон ҳужжат айланиши иштирокчилари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланиши керак.

Электрон ҳужжатларни сақлаш чоғида улардан эркин фойдаланиш ва уларнинг қоғоз нусхаларини тақдим этиш имконияти таъминланиши лозим.

Электрон ҳужжатни сақлаш муддати, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунга ўхшаш мақсадга мўлжалланган қоғоз ҳужжат учун белгиланган муддатдан кам бўлмаслиги керак.

**17-модда. Электрон ҳужжат айланишида электрон ҳужжатларни муҳофаза қилиш**

Электрон ҳужжат айланишида электрон ҳужжатларни муҳофаза қилиш электрон ҳужжат айланишининг иштирокчиларига ёки бошқа юридик ва жисмоний шахсларга зарар етказилишининг олдини олиш мақсадида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**18-модда. Низоларни ҳал этиш**

Электрон ҳужжат айланиши соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**19-модда. Электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 апрель,  
611-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

## **231** «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ш. Мирзиёев) ўз қарорларини «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 апрель,  
612-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

## **232** Электрон тижорат тўғрисида

### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

### **2-модда. Электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### **3-модда. Электрон тижорат**

Ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган, товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга доир тадбиркорлик фаолияти электрон тижоратдир.

### **4-модда. Электрон тижорат иштирокчилари**

Электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар, шунинг-

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

дек тегишли товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) харидорлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар электрон тижорат иштирокчиларидир.

Электрон тижоратда ахборот воситачилари ҳам иштирок этишлари мумкин. Электрон ҳужжат айланиши билан боғлиқ хизматлар кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар ахборот воситачиларидир.

**5-модда. Электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолати**

Электрон тижорат иштирокчилари ушбу Қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида, шунингдек тузган шартномаларида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва мажбуриятларни бажарадилар.

Электрон тижоратда иштирок этиш, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, унинг иштирокчиларига нисбатан ахборот тизимларидан фойдаланмасдан амалга оширилаётган тадбиркорлик фаолиятига нисбатан қўшимча талаблар ёки чеклашлар белгиланиши учун асос бўла олмайди.

**6-модда. Электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс тўғрисидаги ахборот**

Электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс товарлар (ишлар, хизматлар) харидорига:

юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган ҳолдаги тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини;

почта ва электрон манзилини ҳамда ўзининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотларни;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда лицензияси борлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ахборотни тақдим этиши ёхуд унинг бундай ахборотдан фойдаланиш эркинлигини таъминлаши шарт.

Қонун ҳужжатларида электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс тўғрисидаги ахборотга нисбатан бошқа талаблар ҳам белгиланиши мумкин.

**7-модда. Ахборот воситачиларининг хизматлари**

Ахборот воситачиларининг хизматлари шартнома асосида кўрсатилади.

Ахборот воситачилари, агар электрон тижорат иштирокчилари билан тузилган шартномаларнинг шартларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, электрон ҳужжатларнинг мазмунини ёки улардан фойдаланиш тартибини ўзгартиришга ҳақли эмас.

**8-модда. Электрон тижоратдаги шартнома шартлари**

Электрон тижоратдаги шартнома шартлари қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Электрон тижоратдаги шартнома унга ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсида жойлаштирилган электрон ҳужжатга ҳавола қилиш йўли билан киритиладиган алоҳида шартларни ўз ичига олиши мумкин. Бу ҳолда электрон ҳужжатни жойлаштирган электрон тижорат иштирокчиси қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган муддат мобайнида ундан эркин фойдаланиш имкониятини таъминлаши, бу муддат ўтгандан кейин эса ушбу электрон ҳужжатнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда сақланишини таъминлаши шарт.

**9-модда. Электрон тижоратда шартнома тузиш**

Электрон тижоратда шартнома қуйидагилар воситасида тузилиши мумкин: электрон ҳужжатларни айирбошлаш;



электрон ҳужжат кўринишида бўлмаган, қабул қилиб олинган оферта (шартнома тузиш таклифи) қабул қилинганлиги тўғрисидаги электрон ҳужжатни жўнатиш;  
электрон ҳужжат кўринишида бўлган, қабул қилиб олинган офертадаги шартнома шартларини бажариш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш.

Электрон тижоратда шартнома акцептни (таклиф қабул қилинишини) ўз ичига олган электрон ҳужжат электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс томонидан қабул қилиб олинган пайтда ёхуд офертани ўз ичига олган электрон ҳужжатда акцепт учун назарда тутилган ҳаракатлар товарлар (ишлар, хизматлар) харидори томонидан амалга оширилган пайтда тузилган деб эътироф этилади.

Офертани ўз ичига олган электрон ҳужжат олинганлигини оферта шартларига розиликни кўрсатмасдан тасдиқлаш, худди шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) харидорининг ҳаракатсизлиги, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, акцепт ҳисобланмайди.

Агар қонун ҳужжатларида шартнома бўйича тарафнинг бошқа тарафга шартномани тузиш ёки ижро этиш билан боғлиқ ҳужжатни тақдим этиш мажбурияти назарда тутилган бўлса, кўрсатилган мажбуриятни бажариш шартномани тузиш усулидан қатъи назар амалга оширилади.

Электрон тижоратда шартнома, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, фақат электрон ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда тузилганлигига асосланиб ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.

#### **10-модда. Электрон тижоратда офертага таклиф этиш**

Электрон тижоратда офертага таклиф этиш, шу жумладан таклиф қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги реклама ёки бошқа маълумотлар махсус билимга эга бўлмаган қабул қилиб олувчига қабул қилиб олинган ахборотнинг электрон тижоратга тааллуқлилигини аниқ белгилаш ва оферта жўнатувчининг ҳуқуқий ҳолати, унинг товарлари (ишлари, хизматлари), бу товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) нархлари ва уларни олиш шартлари ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш имкониятини берадиган шаклда тақдим этилиши керак.

#### **11-модда. Электрон тижоратда офертага қўйиладиган талаблар**

Электрон тижоратда шартнома тузиш мақсадида йўлланадиган оферта, шу жумладан номуайян шахслар доирасига йўлланадиган оферта:

электрон ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда шартнома тузиш тартибини;  
шартнома шартларини келишиб олиш чоғида ўзгартишлар киритиш имконияти ва тартибини;

акцептни электрон ҳужжат воситасида юбориш ва чақириб олиш тартибини;  
хамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсида жойлаштирилган электрон ҳужжатга ҳавола қилиш йўли билан шартномага киритиладиган шартларга тааллуқли қайдларни ўз ичига олган бўлиши керак.

#### **12-модда. Электрон ҳужжатлардан битим тузилганлигининг далили сифатида фойдаланиш**

Электрон ҳужжатлардан битим тузилганлигининг далили сифатида фойдаланиш мумкин.

#### **13-модда. Низоларни ҳал этиш**

Электрон тижорат соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**14-модда. Электрон тижрат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Электрон тижрат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 апрель,  
613-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

**233 «Электрон тижрат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. «Электрон тижрат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ш. Мирзиёев) ўз қарорларини «Электрон тижрат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 апрель,  
614-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**234 Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан, фарқловчи сигналлардан, шунингдек «Қизил Ярим ой» ва «Қизил Хоч» номларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

**2-модда. Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**санитария-транспорт воситалари** — ярадор бўлган, касалланган ва кема ҳалокатига учраган шахсларни, шунингдек тиббий ходимларни ва тиббий мол-мулкни ташиш учун мўлжалланган ташиш воситалари;

**тиббий тузилмалар** — ярадор бўлган, касалланган ва кема ҳалокатига учраган шахсларни қидириб топиш, ташиш, уларга ташхис қўйиш ёки уларни даволаш, шу жумладан уларга биринчи ёрдам кўрсатиш учун, шунингдек касалликларнинг олдини олиш учун ташкил этилган стационар, кўчма тиббий муассасалар (бўлимлар) ҳамда бошқа фуқаро ва ҳарбий тиббий тузилмалар;

**тиббий ходимлар** — ярадор бўлган, касалланган ва кема ҳалокатига учраган шахсларни қидириб топиш, ташиш, уларга ташхис қўйиш ёки уларни даволаш, шу жумладан уларга биринчи ёрдам кўрсатиш, касалликларнинг олдини олиш учун, шунингдек тиббий тузилмаларни хўжалиқ, моддий-техника ва бошқа жиҳатдан таъминлаш учун доимий ёки вақтинчалик асосда тайинланган шахслар;

**фарқловчи сигналлар** — тиббий тузилмалар ва санитария-транспорт воситаларини таниб олиш учун фойдаланиладиган радиосигнал, ёруғлик сигнали, электрон танув белгиси ёки бошқа сигнал.

**4-модда. Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсоллари**

Оқ фонда ифодаланган, биринчи ёки тўртинчи чораги ҳолатидаги қизил рангли ярим ойнинг халқаро нормаларда эътироф этилган тасвири қизил ярим ой тимсоли ҳисобланади.

Оқ фонда ифодаланган, тўрттала томони тенг узунликка эга бўлган қизил рангли хочнинг халқаро нормаларда эътироф этилган тасвири қизил хоч тимсоли ҳисобланади.

**5-модда. Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланишнинг асосий принциплари**

Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фақат инсонпарварлик мақсадларида фойдаланилади.

Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсоллари улардан фойдаланишда бир хил аҳамиятга эга.

**6-модда. Ўзбекистон Республикаси фойдаланадиган тимсол**

Ўзбекистон Республикаси қизил ярим ой тимсолидан фойдаланади.

Ўзбекистон Республикаси фойдаланадиган қизил ярим ой тимсоли оқ фонда ойнинг биринчи чорагидаги ҳолатда, унга қараб турган одамга нисбатан олганда ҳар

иккала учи чап тарафга қаратилган тарзда ифодаланган қизил рангли ярим ой тасвиридан иборат.

**7-модда. Қизил ярим ой тимсолидан фойдаланиш**

Қизил ярим ой тимсолидан фарқловчи ёки ҳимояловчи тимсол сифатида фойдаланилиши мумкин.

Қизил ярим ой тимсолидан бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари, бошқа мол-мулк, шунингдек ходимлар Қизил Ярим ой ва Қизил Хоч Халқаро ҳаракати ташкилотларига мансублигини белгилаш учун фарқловчи тимсол сифатида фойдаланилади. Умум эътироф этилган халқаро нормаларга мувофиқ фарқловчи тимсол ўлчами кичикроқ бўлиши ва ундан қўлбоғичларда фойдаланилмаслиги ҳамда бу тимсол биноларнинг томига ўрнатилмаслиги керак.

Қуролли можаролар даврида қизил ярим ой тимсолидан ярадор бўлган, касалланган ва кема ҳалокатига учраган шахсларга ёрдам кўрсатувчи тиббий тузилмаларни, тиббий ходимларни, шунингдек санитария-транспорт воситаларини белгилаш учун ҳимояловчи тимсол сифатида фойдаланилади. Ҳимояловчи тимсол текис сиртга ёки байроққа туширилган бўлади ва у ҳамма тарафдан ҳамда узок масофадан кўриниб туриши лозим.

**8-модда. Қизил ярим ой тимсолидан ҳарбий тиббий тузилмаларнинг фойдаланиши**

Ҳарбий тиббий тузилмалар қизил ярим ой тимсолидан ўз тиббий ходимларини ва санитария-транспорт воситаларини белгилаш учун ҳимояловчи тимсол сифатида фойдаланадилар.

Қизил ярим ой тимсолидан ҳимояловчи тимсол сифатида фойдаланувчи ҳарбий тиббий ходимлар қизил ярим ой тимсоли туширилган қўлбоғич тақиб юришлари ва ёнларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган шахсий гувоҳнома бўлиши лозим.

**9-модда. Қизил ярим ой тимсолидан фуқаро тиббий тузилмаларининг фойдаланиши**

Бепул тиббий ёрдам кўрсатувчи фуқаро тиббий тузилмалари Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг розилиги билан тинчлик даврида қизил ярим ой тимсолидан санитария-транспорт воситаларини ва биринчи тиббий ёрдам пунктлари жойлашган ерларни белгилаш учун фарқловчи тимсол сифатида фойдаланадилар.

Қуролли можаролар даврида фуқаро тиббий тузилмалари, тиббий ходимлар, шунингдек санитария-транспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг руҳсатига биноан ҳимояловчи тимсол сифатида қизил ярим ой тимсоли билан белгиланади. Тиббий ходимлар қизил ярим ой тимсоли туширилган қўлбоғич тақиб юришлари ва ёнларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган шахсий гувоҳнома бўлиши лозим.

**10-модда. Қизил ярим ой тимсолидан Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг фойдаланиши**

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти қизил ярим ой тимсолидан ўз бинолари, иншоотлари, транспорт воситалари, бошқа мол-мулки, шунингдек ходимлари мансублигини белгилаш учун фарқловчи тимсол сифатида фойдаланади.

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг тиббий тузилмалари, тиббий ходимлари, шунингдек санитария-транспорт воситалари қуролли можаролар даврида ҳар-

бий тиббий тузилмаларнинг ихтиёрига берилган тақдирда қизил ярим ой тимсолидан ҳимояловчи тимсол сифатида фойдаланилади. Тиббий ходимлар бундай пайтларда уруш даври қонунларига бўйсунадилар ҳамда қизил ярим ой тимсоли туширилган қўлбоғич тақиб юришлари ва ёнларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган шахсий гувоҳнома бўлиши лозим.

**11-модда. Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан чет давлатларнинг Қизил Ярим ой ёки Қизил Хоч жамиятлари фойдаланиши**

Чет давлатларнинг Қизил Ярим ой ёки Қизил Хоч жамиятлари, агар уларнинг вакиллари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлса, қизил ярим ой ёки қизил хоч тимсолидан Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг назорати остида фарқловчи тимсоллар сифатида фойдаланадилар.

Қуролли можаро юз берган тақдирда бетараф давлатларнинг ҳамда қуролли можарода иштирок этмаётган бошқа чет давлатларнинг Қизил Ярим ой ёки Қизил Хоч жамиятларининг тиббий тузилмалари, тиббий ходимлари, шунингдек санитария-транспорт воситалари инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг рухсати билан ва Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг назорати остида ҳарбий тиббий тузилмаларнинг ихтиёрига берилиши ҳамда қизил ярим ой ёки қизил хоч тимсолидан ҳимояловчи тимсол сифатида фойдаланиши мумкин. Тиббий ходимлар бундай пайтларда уруш даври қонунларига бўйсунадилар ҳамда қизил ярим ой ёки қизил хоч тимсоли туширилган қўлбоғич тақиб юришлари ва ёнларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган шахсий гувоҳнома бўлиши лозим.

**12-модда. Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой ҳаракати ташкилотларининг фойдаланиши**

Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси ҳамда Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятларининг Халқаро Федерацияси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини амалга ошираётганда қизил ярим ой ёки қизил хоч тимсолидан фойдаланадилар.

**13-модда. Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларини ҳимоя қилиш**

Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсоллари давлат томонидан ҳимоя қилинади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиладиган фарқловчи сигналлар ҳамда «Қизил Ярим ой» ва «Қизил Хоч» номлари ҳам давлат ҳимояси остида бўлади.

**14-модда. Қизил ярим ой ва Қизил хоч тимсолларидан, фарқловчи сигналлардан, «Қизил Ярим ой» ва «Қизил Хоч» номларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш**

Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан, фарқловчи сигналлардан, «Қизил Ярим ой» ва «Қизил Хоч» номларидан ёки уларга ўхшатиб қилинган бошқа белгилар ҳамда номлардан тижорат фаолиятида фойдаланишга, шунингдек қуролли можаролар даврида улардан хиёнаткорлик билан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

**15-модда. Низоларни ҳал этиш**

Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**16-модда. Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 апрель,  
615-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚАРОРИ

**235 «Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. «Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ш. Мирзиёев) ўз қарорларини «Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 апрель,  
616-II-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **236 «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концернини тугатиш ва Навоий кон-металлургия комбинати фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида**

#### **[Кўчирма]**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 22 декабрдаги ПФ-3366-сон Фармонини бажариш юзасидан ва Навоий кон-металлургия комбинати фаолияти самардорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концернини тугатиш комиссияси 1-иловага\* мувофиқ таркибда тузилсин.

Комиссия «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концернини тугатиш билан боғлиқ масалаларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширсин.

2. Навоий давлат кончилик институти бюджетдан молиялаштириш манбалари сақлаб қолинган ҳолда Навоий кон-металлургия комбинати тасарруфига берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни таркибига кирган 2-иловага мувофиқ корхоналар акциялари давлат пакетлари ва активларининг 2004 йилда, белгиланган тартибда хусусийлаштирилишини таъминласин.

4. Навоий кон-металлургия комбинати тизимининг ташкилий тузилмаси 3-иловага мувофиқ маъқулансин.

Белгилансинки, илгари «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни таркибига кирган 3-иловага мувофиқ корхоналар Навоий кон-металлургия комбинати билан ўзаро ҳамкорликни хўжалик шартномалари асосида амалга оширадилар.

5. Навоий кон-металлургия комбинати:

комбинатнинг ташкилий тузилмасини ҳамда бошқарув ва муҳандис-техник ходимларининг чекланган сони 6634 кишидан, шу жумладан бошқарув аппарати ходимлари сони 325 кишидан иборат бўлишидан келиб чиққан ҳолда бошқарув аппарати тузилмасини тасдиқласин;

бир ой муддатда корхонанинг янги таҳрирдаги уставини ишлаб чиқсин ва унинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

6. Белгилаб қўйилсинки, Навоий кон-металлургия комбинатининг бош директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тайинланади ва у маиший таъминот, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра Ўзбекистон Республикаси вазирининг биринчи ўринбосарига, унинг ўринбосарлари эса — вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар ўн кун муддатда ушбу қарорда назарда тутилган ташки-

---

\* 1-илова берилмайди.

лий тадбирлардан келиб чиққан ҳолда 2004 йил учун иқтисодий кўрсаткичларга тегишли ўзгартиришлар киритсинлар.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 21 июлдаги 279-ф-сон фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

### Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,  
2004 йил 19 май,  
237-сон


Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 19 майдаги 237-сон қарорига  
2-ИЛОВА

#### «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни таркибига кирган, акцияларининг давлат пакетлари ва активлари 2004 йилда хусусийлаштириладиган акциядорлик жамиятлари рўйхати

Т/р	Корхоналар номи	Жойлашган жойи	Сотиладиган давлат улуши, %
<b>I. Давлат активлари биржа савдоларида ва биржадан ташқари бозорларда хусусийлаштириладиган акциядорлик жамиятлари</b>			
1.	«2-қурилиш-монтаж бошқармаси» очиқ акциядорлик жамияти	Навоий шаҳри	25,0
2.	«Жанубсаноатмонтаж» очиқ акциядорлик жамияти	Навоий шаҳри	25,0
3.	«Ишлаб чиқариш корхоналари бошқармаси» очиқ акциядорлик жамияти	Навоий шаҳри	25,0
4.	«Автотрансқурилиш-механизация» очиқ акциядорлик жамияти	Навоий шаҳри	25,0
5.	«Механизация ва автотранспорт» очиқ акциядорлик жамияти	Навоий шаҳри	25,0
<b>II. Активлари якка тартибдаги лойиҳалар бўйича хусусийлаштириладиган давлат ташкилотлари</b>			
6.	«Навоиймонтажавтоматика»	Навоий шаҳри	49
7.	«ЎзГЕОТЕХЛИТИ» ЛИТИ	Тошкент шаҳри	100



### Наввий кон-металлургия комбинати тизимининг ташкилий тузилмаси



Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 19 майдаги 237-сон қарорига  
4-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш учун Жерой-Сардара кони хом ашёсидан фосфорит кукуни ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 3 июлдаги 278-сон қарори 3-бандининг тўртинчи хатбошидаги ҳамда 15 ва 16-бандларидаги «Қизилқумнодирметаллолтин» концерни» сўзлари «Навоий кон-металлургия комбинати» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Чимён-Чорвоқ зонаси табиий бойликларини сақлаш ҳамда ҳудудни ўзлаштиришга комплекс ва изчиллик билан ёндошишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 10 мартдаги 83-сон қарорига 4-илованинг 29-бандидаги «Қизилқумнодирметаллолтин» концерни Ўрта Осиё саноат технологияси лойиҳа-қидирув илмий-тадқиқот институти» сўзлари «Ўзбекистон геотехнология лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот институти (ЎЗГЕОТЕХЛИТИ)» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Навоий давлат кончилик институти фаолиятини ташкил этиш масалалари ҳамда кон-металлургия саноати корхоналарини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 13 апрелдаги 173-сон қарорида:

кириш қисмидаги «ва Қизилқумнодирметаллолтин» концерни» сўзлари чиқариб ташлансин;

7-банддаги «ва Қизилқумнодирметаллолтин» концерни» сўзлари чиқариб ташлансин;

8, 10 ва 12-бандлардаги «Қизилқумнодирметаллолтин» концерни» ва «Қизилқумнодирметаллолтин» концернида» сўзлари тегишли равишда «Навоий кон-металлургия комбинати» ва «Навоий кон-металлургия комбинатида» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Дон ресурслари ва уннинг бозор фондидан янада оқилона ва тежамли фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 14 сентябрдаги 374-сон қарорининг 7-бандидаги «Қизилқумнодирметаллолтин» концерни» сўзлари «Навоий кон-металлургия комбинати» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Табиий газ етказиб бериш ва унинг учун ҳисобкитоб қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 20 мартдаги 90-сон қарорига 1-илованинг «Ўзтрансгаз» АКнинг магистрал газ қувурларига тўғридан-тўғри чиқадиган улгуржи истеъмолчилар» устунидан «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни» сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 3 октябрдаги 342-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 56-модда) 6-иловадаги «Толстов Е.А. — «Қизилқумнодирметаллолтин» концерни раисининг биринчи ўринбосари» сўзлари «лавозимига кўра — Навоий кон-металлургия комбинати бош муҳандиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш

жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 31 октябрдаги 374-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 63-модда):

а) 1-иловадаги «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни» сўзлари «Навоий кон-металлургия комбинати» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловадаги «Кучерский Н.И. — «Қизилқумнодирметаллолтин» концерни раиси» сўзлари «Кучерский Н.И. — Навоий кон-металлургия комбинати бош директори сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 13 ноябрдаги 391-сон қарорига 5-иловадаги «Фуломов С.Ф. — «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни раисининг ўринбосари» сўзлари «Фуломов С.Ф. — Навоий кон-металлургия комбинатининг Тошкент шаҳридаги ваколатхонаси раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Қизилқум фосфорит комплексини ривожлантиришни ва Самарқанд кимё заводини реконструкция қилишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 13 мартдаги 135-сон қарорининг 6 ва 10-бандларидаги «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни» сўзлари «Навоий кон-металлургия комбинати» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2003 йил 21 августдаги 361-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 74-модда) 7-иловадаги «Кучерский Н.И. — «Қизилқумнодирметаллолтин» концерни раиси» сўзлари «Кучерский Н.И. — Навоий кон-металлургия комбинати бош директори» сўзлари билан алмаштирилсин.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **237** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташилаётган товарларни божхона томонидан назорат қилишни кучайтириш тўғрисида

Импорт товарларни республика ҳудуди бўйлаб ташишни божхона томонидан назорат қилишни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2004 йил 1 июндан бошлаб божхона органлари ўртасида ҳаракатланишнинг қуйидаги ҳолларида автотранспорт воситаларини божхона томонидан мажбурий кузатиб бориш жорий этилсин, халқаро йўлларда ташиш дафтарчалари қўлланган ҳолда юкларни халқаро ташишлар тўғрисидаги Божхона конвенциясига мувофиқ қатновлардан ташқари:

товарлар товарларни божхона назорати остида ташиш учун транспорт воситаларини (контейнерларни) жиҳозлашнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ бўлмаган транспорт воситаларида ташилганда;

товарлар товарларни божхона назорати остида етказиб бериш ва транзит қоидаларини илгари бузган ташувчилар томонидан ташилганда;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, рухсатномалар мавжуд бўлганда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ташилиши тақиқланган товарлар ташилганда;

акциз солиғи солинадиган товарлар ташилганда;

импорт қилиниши лицензияланадиган ва мажбурий равишда сертификатланадиган товарлар ташилганда.

Ушбу банднинг иккинчи ва учинчи хатбошида кўрсатилган транспорт воситаларини божхона томонидан кузатиб бориш божхона органининг депозит ҳисоб рақамига божхона тўловлари уларни тўлашни таъминлаш сифатида тўланган тақдирда ёхуд товарлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда божхона ташувчиси томонидан ташилган тақдирда қўлланмайди.

2. Белгилансинки, 2004 йил 1 июндан бошлаб божхона томонидан кузатиб борганлик учун божхона йиғими Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов кундаги курси бўйича миллий валюта «сўм»да қуйидаги микдорларда ундирилади:

200 км масофагача — битта транспорт воситаси учун 50 евро;

масофа 200 км дан ортиқ бўлганда — битта транспорт воситаси учун 120 евро.

3. Божхона томонидан кузатиб боришни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси штатдаги ходимларининг чекланган умумий сонини 40 нафарга кўпайтиришга рухсат берилсин, уларнинг молиявий таъминоти моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя қилиш ва божхона органларини ривожлантириш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган товарларнинг темир йўл транспортида ташилиши устидан назоратни кучайтириш бўйича бир ой муддатда таклифлар киритсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда ўзларининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Ганиев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 20 май,  
239-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 20 майдаги 239-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат монополиясини кучайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алкогольли ва тамаки маҳсулотларини сотишдан бюджетга тушумни кўпайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 21 майдаги 221-сон қарори 1-бандининг олтинчи хат боши чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Божхона йиғимлари ставкалари тўғрисида» 1999 йил 30 апрелдаги 204-сон қарорига илованинг 4-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

4.	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида битта транспорт воситасини боғхона томонидан қуйидаги масофаларга кузатиб борганлик учун: — 200 км. гача — 200 км. дан ортиқ	50 еврога тенг миқдорда 120 еврога тенг миқдорда
----	---	---

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Чегарадош давлатларнинг юк автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикасининг боғхона ҳудуди орқали ўтиши учун ягона йиғимлар белгилаш тўғрисида» 1999 йил 31 декабрдаги 552-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 12-сон, 72-модда) 4-банди чиқариб ташлансин.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**238 Номзодлик имтиҳонларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
18 майда 1356-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 28 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 9 сентябрдаги 421-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисида»ги низомга ва Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низом (1996 йил 10 июль, рўйхат рақами 261-сон)га мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

1. Номзодлик имтиҳонларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси  
раиси М. МУҲИТДИНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 25 март,  
103/5-сон

Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги  
Олий аттестация комиссияси Раёсатининг  
2004 йил 25 мартдаги 103/5-сон  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Номзодлик имтиҳонларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 9 сентябрдаги 421-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисида»ги низом ҳамда

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низом (1996 йил 10 июль, рўйхат рақами 261-сон)га асосан ишлаб чиқилган.

1. Номзодлик имтиҳонлари илмий ва илмий-педагог ходимларни аттестациядан ўтказишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Фан номзоди илмий даражасини олиш учун номзодлик имтиҳонлари топширилган бўлиши шарт.

2. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун номзодлик имтиҳонлари фалсафа, миллий истиқлол ғояси ва фан методологияси, чет тили, инфор­мацион технологиялар асослари ҳамда диссертация мавзуга мувофиқ ихтисослик фанидан ўтказилади. Ушбу имтиҳонлар етакчи олий ўқув юртлари ёки илмий-тадқиқот институтлари ишлаб чиққан ҳамда Олий аттестация комиссияси (бундан кейин — ОАК) томонидан маъқулланган дастурлар асосида топширилади.

Чет эл фуқаролари учун номзодлик имтиҳонлари ўзбек ёки рус тили, инфор­мацион технологиялар асослари ва диссертация мавзуга мувофиқ ихтисослик фанидан ўтказилади.

Ижтимоий-гуманитар ва иқтисодиёт фанлари соҳаларидаги илмий даражалар ва илмий унвонларга талабгор Ўзбекистон Республикаси фуқаролари «Мустақиллик мафкураси ва демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий негизлари ва илмий асослари» бўйича махсус номзодлик имтиҳонини топширишлари шарт.

Чет тили сифатида инглиз, француз ёки немис тилларининг биридан имтиҳон топширилиши мумкин. Диссертация ишини бажариш учун бошқа чет тилини билиш талаб қилинадиган ҳолларда ОАК билан келишилган ҳолда номзодлик имтиҳони ана шу тилдан топширилиши мумкин.

3. Ҳимоя қилувчининг олий маълумоти диссертация тайёрланган фан тармоғи ихтисосига мувофиқ бўлмаса, ушбу фан тармоғига татбиқан умумилмий фан бўйича, яъни ушбу фан тармоғининг асосий мазмуни ҳамда умумметодологик ва назарий муаммоларини етарлича кенг қамраб оладиган фан бўйича қўшимча номзодлик имтиҳони (ёки имтиҳонлари) топширилади.

Ҳимоя қилувчининг олий маълумоти соҳаси диссертация ёқланаётган фан соҳасидан тубдан фарқ қилган ҳолларда ихтисослик бўйича топширилиши керак бўлган номзодлик имтиҳонларини ОАК белгилайди.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация химоя қилувчилар, шунингдек иқтисодий назария бўйича номзодлик имтиҳонини топширадilar.

Қўшимча умумилмий фанлар бўйича имтиҳонлар муайян фан тармоғида ихтисослашган етакчи олий ўқув юртлари учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган дастурлар асосида топширилади.

4. Номзодлик имтиҳонлари, шу жумладан махсус номзодлик имтиҳонлари аспирантураси мавжуд бўлган олий ўқув юртларида ва илмий-тадқиқот муассасаларида топширилади.

Ихтисослик фани бўйича номзодлик имтиҳонлари, одатда, келгусида диссертация химояси мўлжалланган муассасаларда топширилади.

5. Ихтисослик фани бўйича имтиҳон талабгорнинг назарий ва касбий тайёр­гарлиги даражасини, унинг ушбу фаннинг шаклланиши ва ривожланиши тарихини, умумий концепциялари ва методология масалаларини, манбаларини, шу билимлар тармоғининг асосий назарий ва амалий муаммоларини, мавжуд материални нечоғ­лик билишини аниқлаб бериши, унинг илмий адабиётни, шу жумладан, чет эл даврий нашрларини ҳамда илмий тадқиқотларнинг замонавий усулларини қанчалик эгаллаганлигини кўрсатиб бериши лозим.

Ихтисослик фани бўйича имтиҳон икки қисмдан: ОАК тасдиқлаган намунавий дастур-минимумдан ҳамда тегишли кафедра (бўлим, лаборатория) ишлаб чиққан ва имтиҳон олинаётган олий ўқув юрти (факультет), илмий-тадқиқот муассасасининг илмий кенгаши тасдиқлаган қўшимча дастур асосида топширилади.

Қўшимча дастур мазкур фан тармоғининг янги бўлимларини ҳамда химоя қилувчи тадқиқотларининг йўналиши билан боғлиқ бўлган қисмларни ўз ичига олиши, шунингдек, ушбу фан тармоғидаги ютуқларни ва энг янги адабиётни ҳисобга олиши лозим. Ихтисослик фанидан имтиҳон дастурининг мазкур қисмида талабгор тегишли фан тармоғи ривожининг ҳозирги аҳволи, муаммолари ва истиқболларини, ўтказиётган тадқиқотларининг ўрни, янгилиги ва аҳамиятини кўрсатиши керак.

6. Номзодлик имтиҳонларини қабул қилиш ҳуқуқи берилган олий ўқув юрти ва илмий-тадқиқот муассасалари имтиҳон қабул қилиш ҳуқуқи бўлмаган бошқа ташкилотлардан келган талабгорлардан ҳам мазкур имтиҳонларни олишлари шарт.

7. Номзодлик имтиҳонларини қабул қилиш комиссиялари ҳар бир фан бўйича олий ўқув юртининг ёки илмий-тадқиқот муассасасининг раҳбари томонидан ОАК билан келишилган ҳолда бир йил муддатга тайинланади. Комиссия таркиби раисдан ҳамда илмий даражага эга бўлган малакали илмий ва илмий-педагог ходимлардан иборат бўлади.

Чет тили бўйича номзодлик имтиҳонларини қабул қиладиган комиссия таркибига чет тиллар кафедраларининг ўқитувчилари (камида бир нафарини илмий даражаси бўлиши керак) ҳамда имтиҳон топширувчининг ихтисослиги бўйича фан доктори илмий даражасига эга бўлган ва тегишли чет тилида бемалол гаплаша оладиган мутахассислар киритиладилар. Ушбу комиссия аъзолари рўйхатлари ҳам ОАК билан келишилган ҳолда бир йил муддатга буйруқ билан расмийлаштирилади.

Имтиҳон топширувчилар рўйхатлари ҳам буйруқ билан расмийлаштирилади ва жамоатчиликка эълон қилинади. Буйруқда номзодлик имтиҳонини ўтказиш жойи ва вақти аниқ кўрсатилиши керак.

Комиссия, агар унинг мажлисида қабул қилинаётган имтиҳон ихтисоси бўйича камида уч нафар мутахассис — комиссия аъзоси иштирок этаётган бўлса, имтиҳон олишга ҳақлидир.

Номзодлик имтиҳонларида имтиҳон ўтказилаётган муассасанинг тегишли ихтисослашган кенгаши аъзолари, муассаса директори (ректор), директор ўринбосари (проректор), ОАКнинг, муассаса бўйсунувчи вазирлик ёки идоранинг вакиллари қатнашиши мумкин.

8. Номзодлик имтиҳонлари сессиялар шаклида йилига уч марта: февраль, май ва ноябрь ойларида уюшқоқлик билан қабул қилинади.

9. Имтиҳон қабул қиладиган муассаса номзодлик имтиҳони қабул қилинишидан беш кун олдин имтиҳон топширувчилар рўйхатини имтиҳон қабул қилиш вақти, жойи ва комиссиянинг таркибига доир маълумотлар билан бирга ОАКга юбориши зарур. ОАК номзодлик имтиҳонларида қатнашиш ва уни назорат қилиш учун ўз вакилларини юбориши мумкин. Номзодлик имтиҳонлари ноҳолис ўтказилган тақдирда ОАК имтиҳон натижаларини бекор қилади.

Номзодлик имтиҳонларини экстерн тарзида сессия пайтида топшириш масаласи номзодлик имтиҳонини қабул қилувчи муассаса томонидан ҳал этилади.

10. Номзодлик имтиҳонлари билет бўйича ўтказилади. Имтиҳон топширувчи жавоб тайёрлаш учун имтиҳон варақаларидан фойдаланади. Имтиҳон варақалари имтиҳондан кейин бир йил давомида сақлаб турилади.



11. Талабгорнинг билим даражасига «аъло», «яхши», «қониқарли», «қониқарсиз» баҳолар қўйилади.

Ихтисослик фани бўйича номзодлик имтиҳонини топшираётганда талабгор дастур-минимум доирасида мустаҳкам, чуқур билимларини намойиш этган тақдирдагина ижобий баҳо қўйилади.

12. Ҳар бир талабгор учун номзодлик имтиҳони баённомаси тўлдирилиб, унда талабгорга берилган имтиҳон саволлари ёзилади.

Номзодлик имтиҳони баённомасини имтиҳонда қатнашган комиссия аъзолари имзолайди, уларнинг илмий даражаси, илмий унвони ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатига мувофиқ ихтисослиги кўрсатилади.

Номзодлик имтиҳони баённомаси муассаса раҳбари томонидан тасдиқлангандан кейин номзодлик имтиҳонлари топширилган жойда сақланади.

13. Ҳар бир номзодлик имтиҳони топширилганлиги ҳақида гувоҳнома берилди. Имтиҳон топширувчининг диссертация иши бажарилган ёки диссертация ҳимояси ўтказиладиган муассасада олдинги имтиҳонларнинг топширилганлиги ҳақидаги гувоҳномалар ягона гувоҳнома билан алмаштирилади.

Номзодлик имтиҳони топширилганлиги ҳақидаги гувоҳнома беш йил давомида ўз кучини йўқотмайди.

14. Агар имтиҳон топширувчи узрли сабаб билан имтиҳонга келмаса, муассаса раҳбари рухсати билан ўрнатилган тартибда ОАКни хабардор қилиб, жорий сессия давомида имтиҳон топширишга қўйилиши мумкин.

Бир сессия давомида номзодлик имтиҳонини такроран топширишга йўл қўйилмайди.

Имтиҳон топширувчи номзодлик имтиҳонини қабул қилиш комиссиясининг қарори устидан жорий сессия давомида муассаса раҳбарига шикоят ёзиш ҳуқуқига эга. Муассаса раҳбарининг қарори узил-кесил ҳисобланади.

15. Олий ўқув юртлари ректорларига, илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарларига ҳамда уларнинг ўринбосарларига (проректорларига) ўз асосий иш жойларида номзодлик имтиҳонларини топширишларига рухсат берилмайди.

16. Ушбу Низомда номзодлик имтиҳонлари олдига қўйилган талабларга риоя қилиниши учун имтиҳон ўтказаетган муассаса раҳбари масъулдир.

17. Номзодлик имтиҳонларини қабул қилиш комиссияси ишини ОАК ҳамда имтиҳон ўтказаетган муассасанинг маъмурияти назорат қилиб боради.

18. Номзодлик имтиҳонларини қабул қилиш ҳуқуқи берилган муассасалар имтиҳонларнинг натижалари тўғрисида йилига бир марта декабрь ойида ОАКга маълумот беришлари шарт.

«ЎЗБЕКТУРИЗМ» МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**239** Ўзбекистон Республикасининг туристик ташкилотлари томонидан чет эл туристларини қабул қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
19 майда 1357-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 29 майдан кучга киради)*

«Туризм тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 15 февралдаги 82-сон қарорига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасига чет эллик туристларнинг кириб келишини тартибга солиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг туристик ташкилотлари томонидан чет эллик туристларини қабул қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб 10 кундан кейин кучга киради.

**«Ўзбектуризм» миллий компанияси бошқаруви раиси Б. ХУСАНБОЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 9 март,  
7-сон

**Фавқулодда вазиятлар вазири Б. СУБАНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 9 март,  
43-сон

**Миллий хавфсизлик хизмати раиси Р. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 9 март,  
9/442-сон

**Ички ишлар вазири З. АЛМАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 9 март,  
3-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

«Ўзбектуризм» миллий компанияси  
Фавкулудда вазиятлар вазирлиги  
Миллий хавфсизлик хизмати  
Ички ишлар вазирлигининг  
2004 йил 9 мартдаги  
7, 43, 9/442, 3-сон қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

### **Ўзбекистон Республикасининг туристик ташкилотлари томонидан чет эл туристларни қабул қилиш ҚОЙДАЛАРИ**

Мазкур қоидалар «Туризм тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 15 февралдаги 82-сон қарорига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасида туристик экскурсияларни амалга ошириш вақтида туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

1. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, туристик ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келаётган чет эллик туристлар ҳақидаги иловага мувофиқ маълумотномани улар кириб келишларидан 5 кун олдин «Ўзбектуризм» миллий компаниясига тақдим этадилар.

2. Маълумотномада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

а) кириб келаётган туристлар сони, улар қайси давлатдан келаётганлиги ва қабул қилаётган ташкилотдан ҳамроҳ бўлиб борувчи шахс тўғрисида маълумот;

б) транспорт воситасининг давлат рақами;

в) Ўзбекистон ҳудудида яшаш ва овқатланиш жойлари кўрсатилган ҳолда, туристларнинг ҳаракат қилиш маршрут ва муддатлари.

3. Туристларни қабул қилувчи туристик ташкилотлар туристлар хавфсизлигини таъминлаш ва содир бўлиши мумкин бўлган бахтсиз воқеаларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагиларни амалга оширади:

а) аэропорт, вокзал ва бошқа кириш жойларида чет эллик туристларни кутиб олиш, маълумотномада кўрсатилган меҳмонхоналарга жойлаштириш ва тегишли расмийлаштириш ишларини амалга ошириш;

б) барча йўналишларда саёҳат тугагунча туристларни кузатиб бориш;

в) туристларни республика ҳудудида белгиланган муддат давомида бўлиши ва белгиланган муддат тугагандан сўнг республика ҳудудидан ўз вақтида чиқиб кетишларини таъминлаш;

г) хавф-хатар манбалари бўлган ҳудудларга чет эллик туристларни олиб чиқишларидан олдин, Ўзбекистон Республикаси Фавкулудда вазиятлар вазирлигининг ҳудудий бўлинмасидан бахтсиз ҳодисалар ёки хавф-хатарлар келиб чиқиши мумкин бўлиши ёки бўлмаслиги юзасидан тегишли маълумотларни олиш;

д) рухсат этилган хавфсиз йўналишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Фавкулудда вазиятлар вазирлигининг ҳудудий бўлинмаси билан келишилган ҳолда белгиланган хавфсиз йўналиш бўйича саёҳат қилишни таъминлаш;

е) белгиланган йўналишнинг хусусияти ва туристларнинг хатти-ҳаракатига боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатар манбалари ҳақида уларнинг ўзини хабардор қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш;

ж) зарур ҳолларда, чет эллик туристлар ҳақидаги маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этиш;

з) чет эллик туристлар томонидан чегара ҳудудидан ўтиш вақтида белгиланган тартибга риоя қилинишида тегишли давлат органларига кўмаклашиш.

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

4. Қабул қилувчи туристик ташкилот чет эл туристлари билан хавфсизлик чораларига риоя этишлари, Ўзбекистон Республикасида бўлиш тартиби, экологик хавфсизлик талаблари, миллий урф-одатларга ҳамда санитария-гигиена қоидаларига амал қилишлари тўғрисида тегишли тушунтириш ишларини ўтказди.

5. Туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикасининг  
туристик ташкилотлари  
томонидан чет эл туристларни  
қабул қилиш қоидаларига  
ИЛОВА

### АХБОРОТ

#### Ўзбекистон Республикасига кириб келаётган туристик гуруҳ (якка турист) тўғрисида

Берилган рақам \_\_\_\_\_

1. Туристтик фирма \_\_\_\_\_  
тур. фирманинг тўлиқ номи лицензияси

2. Гуруҳ келган куни \_\_\_\_\_  
каердан келган

3. Туристлар сони \_\_\_\_\_

4. Қабул қилаётган ташкилотдан ҳамроҳ бўлиб боровчи шахс тўғрисида маълумот \_\_\_\_\_

5. Транспорт воситасининг давлат рақами \_\_\_\_\_

6. Туристтик гуруҳининг (якка турист) қайси шаҳарларда тўхташи ва муддатлари, меҳмонхоналар номлари ва умумий овқатланиш жойлари тафсилоти билан

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кесиб ўтиш жойи \_\_\_\_\_

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА  
ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ  
ҚАРОРИ

**240** Марказлаштирилган молиялаш манбалари ҳисобидан объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қурилишни амалга оширишда пудрат қурилиш ташкилотларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 19 майда 1358-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 29 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги «Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини тақомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 395-сонли қарорига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 февралдаги 1-сонли мажлиси баёнининг 9-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банки, Молия вазирлиги ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Марказлаштирилган молиялаш манбалари ҳисобидан объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қурилишни амалга оширишда пудрат қурилиш ташкилотларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 4 май,  
30-сон

**Марказий банки Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 4 май,  
250-В-сон

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 4 май,  
60-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилди.

**Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси А. ТОХТАЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 4 май,  
6-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ****241 Монополист корхоналар томонидан декларация қилина-  
надиган нархларни қўллаш тўғрисидаги қоидаларни  
тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
20 майда 1359-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 30 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 1997 йил 31 мартдаги 165-сон ва «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорларига асосан **буюраман:**

1. Монополист корхоналар томонидан декларация қилинадиган нархларни қўлла-ниши тўғрисидаги қоидалар иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Монополист корхоналар томонидан декларация қилинадиган нархларни қўллаш тартиби тўғрисида»ги 1999 йил 23 июлдаги 58-сонли хати (1999 йил 3 август, рўйхат рақами 792-сон) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхати-дан ўтказилган санадан ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 30 март,  
54-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ  
ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ

## **242** Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларига шовқинлар бўйича сертификат бериш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
20 майда 1360-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 30 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси ва стандарт талаблари ҳамда ИКАО тавсия қилган халқаро фуқаро авиацияси амалиётига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларига шовқинлар бўйича сертификат бериш тўғрисидаги йўриқнома\* тасдиқлансин.
2. Буйруқ адлия вазирлигида рўйхатга олингандан сўнг ўн кун ичида кўпайтирилиб, барча авиакомпаниялар ва мансабдор шахсларга тарқатилиши таъминлансин.
3. Мазкур йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олингандан сўнг ўн кун ўтгач, амалга киритилсин.
4. Мазкур буйруқ бажарилиши устидан назорат Сертификатлаш, лицензиялаш ва парвоз хавфсизлиги устидан назорат бошқармаси бошлиғи зиммасига юклатилсин.

**Дававианазорат бошлиғи Х. ТРОБОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 16 апрель,  
53-сон

---

\* Йўриқнома рус тилидаги матнда берилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ПАТЕНТ ИДОРАСИ  
ДИРЕКТОРИНИНГ БУЙРУҒИ

## **243** Саноат намунасига Ўзбекистон Республикасининг патенти берилиши учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
20 майда 1361-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 30 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонунини бажариш юзасидан **буюраман:**

1. «Саноат намунасига Ўзбекистон Республикасининг патенти берилиши учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари» иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу Қоидалар кучга кирган санадан эътиборан Фан ва техника давлат комитети раиси томонидан тасдиқланган Саноат намунасига Ўзбекистон Республикасининг патенти, дастлабки патенти берилиши учун талабномани тузиш Қоидалари (1997 йил 10 сентябрь, рўйхат рақами 367-сон) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат патент идораси директори А. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 21 апрель,  
22-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА  
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**244** Акциядорлик-тижорат Тадбиркорбанкнинг кредит линиялари ҳисобидан тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредит бериш ҳамда лизинг компаниялари томонидан лизингни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
20 майда 1362-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 30 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 23 декабрдаги ПФ-3367-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2003 йил 24 декабрдаги 563-сонли қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Акциядорлик-тижорат Тадбиркорбанкнинг кредит линиялари ҳисобидан тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредит бериш ҳамда лизинг компаниялари томонидан лизингни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кундан сўнг амалга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 13 март,  
247-В-сон

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 13 март,  
45-сон

**Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш  
давлат қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 13 март,  
01/06-03-сон

Марказий банк Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат мулки қўмитаси томонидан  
2004 йил 13 мартда  
247-В, 45, 01/06-03-сон билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Акциядорлик-тижорат Тадбиркорбанкнинг кредит  
линиялари ҳисобидан тижорат банклари томонидан кичик  
бизнес субъектларига дастлабки (бошланғич) сармояни  
шакллантиришга кредит бериш ҳамда лизинг компаниялари  
томонидан лизингни амалга ошириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 23 декабрдаги «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3367-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 декабрдаги 563-сонли «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом собиқ «Бизнес-фонд»га тегишли бўлган маблағларнинг акциядорлик-тижорат Тадбиркорбанкка ўтказиб берилган қисми ҳисобидан Тадбиркорбанк томонидан тижорат банклари ва лизинг компанияларида кредит линиялари очиш ҳамда ушбу кредит линиялари ҳисобидан тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлари ва юридик шахс мақомига эга деҳқон хўжаликлари, микрофирмалар, кичик корхоналарга дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантириш учун кредитлар бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:  
**микрофирма** — банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони ишлаб чиқариш тармоқларида йигирма кишидан; хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида ўн кишидан; улгуржи ва чакана ҳамда савдо умумий овқатланиш тармоқларида беш кишидан ошмайдиган корхона;

**кичик корхона** — банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони енгил ва озиқ-овқат саноатида, металлга қайта ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноати ҳамда қурилиш материаллари саноатида юз кишидан; машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларида эллик кишидан; фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғуртадан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида йигирма беш кишидан ошмайдиган корхона;

**деҳқон хўжалиги** — оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдирилдиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирадиган ва реализация қиладиган, юридик шахсни ташкил этган ҳолда фаолият юритадиган оилавий майда товар хўжалиги;

**фермер хўжалиги** — юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган, ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг бирга-лиқдаги фаолиятига асосланган мустақил хўжалик юритувчи субъект;

**дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредитлар** — микрофирмалар ва юридик шахс мақомига эга деҳқон хўжаликлари учун энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача ҳамда кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари учун энг кам иш ҳақининг 300 бараваригача миқдорда бўладиган кредит шаклларидадан бири;

**кредит линияси** — Тадбиркорбанк томонидан фақат мақсадли ишлатиш асосида, унинг суммасини банкларнинг ва лизинг компанияларининг балансида акс эттирган ҳолда кичик бизнес субъектларини кредитлаш учун тижорат банкларига ва лизинг компанияларига ажратиладиган маблағлар.

3. Тижорат банклари томонидан собиқ «Бизнес-Фонд»га тегишли кредит линиялари маблағларини Тадбиркорбанкка қайтарилиши натижасида шаклланадиган имтиёзли кредит ресурслари микрофирмалар, кичик корхоналар, фермер хўжаликлари ва юридик шахс мақомига эга деҳқон хўжаликларининг (кейинги ўринларда — кичик бизнес субъектлари) дастлабки (бошланғич) сармоясини шакллантиришга кредитлар бериш учун тижорат банкларида ҳамда лизинг компанияларига кичик бизнес субъектларига лизинг хизматлари кўрсатиш учун кредит линияларини (кейинги ўринларда — Тадбиркорбанк кредит линиялари) очишга йўналтирилади.

4. Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган кичик бизнес субъектлари кредитланади. Хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар устав капитали шакллангандан кейин ташкил этилишлари муносабати билан уларга ушбу кредитлар берилмайди.

Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредитлар янги барпо этилаётган, ўрнатилган тартибда давлат рўйхатига олингандан кейин олти ойдан кечиктирмаган даврда кредит олиш учун тегишли ариза топширган кичик бизнес субъектларига 3 йилгача муддатга, кредитларни қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз берилади.

5. Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредитлар Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қисми миқдоридagi имтиёзли фоиз ставкаси билан амалга оширилади.

Лизинг компаниялари томонидан ушбу кредит линиялари ҳисобидан амалга ошириладиган лизинг операциялари учун ҳисобланадиган фоиз даражаси лизинг компанияси маржасини қўшган ҳолда Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 40 фоизи даражасида белгиланади.

Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгарган тақдирда Тадбиркорбанкнинг кредит линияси учун ҳисобланадиган фоиз миқдори ҳамда тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига ушбу кредит линияси ҳисобидан берилган кредитлар ва лизинг компаниялари томонидан кўрсатилган лизинг хизматлари учун ҳисобланадиган фоиз ставкалари ҳам мос равишда ўзгаради.

Мазкур талаб Тадбиркорбанк билан тижорат банклари ҳамда лизинг компаниялари ўртасида тузиладиган кредит линияси очиш тўғрисидаги кредит шартномасида, шунингдек, тижорат банки ҳамда лизинг компаниялари ва кичик бизнес субъектлари ўртасида ушбу кредит линияси ҳисобидан кредит бериш ёки лизинг хизмати кўрсатиш шартномасида белгилаб қўйилган бўлиши лозим.

6. Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан берилаётган кредитлар ва лизинг хизматлари учун ҳисобланадиган имтиёзли фоиз миқдорининг тенг ярмини (50 фоизини) банк ёки лизинг компаниясининг маржаси ташкил этади. Бунда банк ёки лизинг компанияси маржаси ўрнатилган имтиёзли фоиз ставкаси миқдорининг ошишига олиб келмайди.

7. Собиқ «Бизнес-Фонд» кредит линияларининг Тадбиркорбанкка қайтарилган қисми ҳисобидан бевосита Тадбиркорбанк томонидан кичик бизнес субъектларига дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга берилган кредитлар учун ундириладиган фоиз ставкалари Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қисми миқдориди белгиланади.

Ушбу кредит маблағлари ҳисобидан Тадбиркорбанк томонидан ўз миқдорларига дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга берилган кредитлар учун ҳисобланган фоизлар Тадбиркорбанкнинг ихтиёрида қолдирилади ва унинг балансида ўрнатилган тартибда акс эттирилади.

8. Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга берилган кредитлар бўйича фоизлар ушбу кредитлар берилган кундан бошлаб ҳисобланади ва 12 ой ўтгандан кейин ундириш бошланади. Мазкур кредитлар учун ҳисобланган фоизлар дастлабки 12 ой давомида Тадбиркорбанк, тижорат банклари ва лизинг компаниялари даромад (фойда) солиғи ҳисоблаш базасига киритилмайди.

## **II. Тижорат банкларида ва лизинг компанияларида тадбиркорбанк томонидан кредит линияларини очиш тартиби**

9. Тадбиркорбанк кредит линияларини очиш учун Тадбиркорбанк билан тижорат банкининг Бош идораси ҳамда лизинг компанияси ўртасида бош битим тузилади. Бош битимда очиладиган кредит линиясига хизмат кўрсатишнинг асосий шартлари, имтиёзли фоиз ставкаси миқдори, банк ёки лизинг компанияси маржаси, Тадбиркорбанк билан бош тижорат банки ҳамда лизинг компанияси ўртасидаги ўзаро мажбуриятлар белгиланади.

10. Тадбиркорбанк битта ёки бир нечта тижорат банки ёки лизинг компанияси билан кредит линиясини очиш тўғрисида бош битим тузиш ҳуқуқига эга.

11. Тадбиркорбанк маблағлари ҳисобига кредит линиялари муддатлилик, тўловлилик, мақсадли ишлатиш ва қайтаришлик тамойиллари асосида кичик бизнес субъектларини кредитлаш учун очилади.

12. Тадбиркорбанк билан бош тижорат банки ёки лизинг компанияси ўртасида бош битим тузилганидан кейин, улар ўртасида кредит линияси очиш учун кредит шартномаси тузилади. Кредит линиясини очиш учун бош тижорат банки билан кредит шартномасида қуйидаги шартлар белгиланиши лозим:

кредит линияси суммаси, бунда дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредитлар чораклар ва вилоятлар бўйича бўлиб чиқилади;

банк маржаси чегирилган ҳолда имтиёзли фоиз ставкаси;

берилган кредитлардан мақсадли фойдаланилиши устидан мониторингни амалга ошириш тартиби.

13. Тадбиркорбанк билан лизинг компанияси ўртасида тузиладиган кредит шартномасида қуйидаги шартлар белгиланиши лозим:

кредит линияси суммаси;

ажратилаётган кредит линияси ҳисобига лизинг операцияларини амалга оширишга маблағлар ажратишнинг чораклар ва вилоятлар бўйича тақсимоти;

лизинг компанияси маржаси чегириб ташланган ҳолдаги имтиёзли фоиз ставкаси;

кредит линияси маблағларини лизинг компанияси томонидан мақсадли ишлатилиши устидан мониторингни амалга ошириш тартиби.

14. Тадбиркорбанк томонидан тижорат банкларига кредит линияси очиш учун тақдим этилган маблағларнинг ҳисоби Тадбиркорбанкда 13301 — «Бошқа банкларга

берилган ўрта муддатли ссудалар» ҳисобварағида, лизинг компанияларига кредит линияси очиш учун тақдим этилган маблағларининг ҳисоби эса кредит линияси муддатига мос равишда очиладиган 14401 — «Банк бўлмаган молиявий муассасаларга бериладиган ўрта муддатли ссудалар» ҳисобварақларида юритилади.

Тижорат банклари эса Тадбиркорбанк кредит линияларидаги маблағларни, кичик бизнес субъектларини кредитлаш муддатларига боғлиқ ҳолда 21806 — «Бошқа банклардан олинган ўрта муддатли ссудалар» баланс ҳисобварағида юритилади.

15. Тадбиркорбанк томонидан лизинг компанияларига кичик бизнес субъектларига лизинг хизмати кўрсатиш мақсадида очилган кредит линияларидаги маблағлар ҳисоби лизинг компанияларининг балансида қонунчиликда белгиланган тартибда юритилади.

16. Тадбиркорбанк кредит линияларидаги маблағларга тижорат банклари ва лизинг компаниялари томонидан маржаси чегириб ташланган ҳолда ҳисобланган фоизлар тўлови кичик бизнес субъектларидан берилган кредитлар ва кўрсатилган лизинг хизматлари учун фоизларни ҳақиқатда ундириб олинганлигидан қатъи назар, кредит шартномасида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

17. Тижорат банклари томонидан дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредитларни бериш учун очилган кредит линиялари бўйича ҳисобланган фоизлар тўловини ушбу кредитлар кичик бизнес субъектларига берилган кундан 12 ой ўтганидан кейин амалга оширадilar.

Лизинг хизмати кўрсатиш учун очилган кредит линиялари маблағлари учун фоизлар тўлови кичик бизнес субъектларига лизинг хизмати кўрсатилган кундан бошлаб ҳисобланади ва унинг тўлови ҳар ойда амалга оширилади.

18. Тижорат банклари ва лизинг компаниялари Тадбиркорбанк кредит линияси маблағларининг кредит шартномасида белгиланган муддатларда ишлатилмаган қисмига кредит шартномаси шартларига мувофиқ Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкаси миқдорида фоиз тўлайдилар.

19. Тадбиркорбанк билан тижорат банки ёки лизинг компаниялари ўртасида кейинги кредит линиялари очилганда янги кредит линияларининг суммалари кўрсатилган ҳолда қўшимча кредит шартномаси расмийлаштирилади.

20. Кредит линиясининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин бош тижорат банки ёки лизинг компанияси Тадбиркорбанкка кредит линияси маблағларини, тўланмаган фоизлар қолдиғини қўшиб ҳисоблаган ҳолда, қарздор томонидан олинган кредитларни ёки лизинг олувчи томонидан лизинг тўловларини ҳақиқатда қайтарилишидан қатъи назар, кредит шартномасида белгиланган муддатларда қайтариб бериши шарт.

21. Тадбиркорбанк тижорат банки ёки лизинг компаниясида очилган кредит линияси маблағларини мақсадли ишлатилишини кредит йиғмажилдини ёки лизинг бўйича йиғмажилдни ўрганиш йўли билан, шунингдек, тижорат банкнинг ёки лизинг компаниясининг вакили билан жойига чиқиб, кичик бизнес субъектларига Тадбиркорбанкнинг кредит линиялари ҳисобига берилган кредитлардан ёки лизинг объектдан мақсадли фойдаланиши юзасидан мониторингни амалга оширишга ҳақлидир.

Ушбу кредитлардан мақсадга номувофиқ фойдаланиш ҳоллари аниқланганда Тадбиркорбанк тижорат банкдан ёки лизинг компаниясидан кредит линиясининг тегишли қисмини муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли бўлади. Тадбиркорбанкнинг шу ҳақдаги тўлов талабномасини тижорат банклари ва лизинг компаниялари ўртасида кредит линияси очиш борасида тузиладиган кредит шартномасида белгиланган тартибда ижро этишлари шарт.

22. Тижорат банклари ва лизинг компаниялари Тадбиркорбанк кредит линия-

ларини ўзлаштиришнинг аҳволи тўғрисида ҳар чоракда Тадбиркорбанкка ушбу кредитларни олган ёки лизинг хизмати кўрсатилган кичик бизнес субъектлари рўйхатини илова қилган ҳолда ахборот тақдим этадилар. Ушбу ахборотлар маълумотлари бўйича ҳар чоракда тижорат банки ёки лизинг компанияси билан Тадбиркорбанк ўртасида маблағларни ишлатишни солиштириш далолатномалари тузилади.

### **III. Тижорат банклари томонидан тадбиркорбанк кредит линиялари бўйича кредитлар бериш тартиби**

23. Кичик бизнес субъектлари Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредит олиш учун уларнинг асосий талаб қилиб олинганча депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи тижорат банкка мурожаат қилишлари лозим.

24. Тадбиркорбанк кредит линияси ҳисобидан кредит олиш учун кичик бизнес субъектлари тижорат банкларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: кредит бериш тўғрисида ариза; бизнес режа; кредитнинг қайтарилиш таъминоти.

25. Олинган кредитнинг қайтарилмаслик хавфини олдини олиш мақсадида қарз олувчи қуйидаги таъминот турларини банкка тақдим этиши мумкин:

мулк ёки қимматли қоғозлар гарови;  
учинчи шахснинг кафиллиги;  
суғурта компаниясининг қарз олувчининг кредитни қайтара олмаслик хавфи суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси.

26. Лизинг компаниялари Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобига лизинг операцияларини амалга оширишни қонунчиликда ва қонун ости ҳужжатларида ўрнатилган тартиб асосида амалга оширадилар.

27. Тижорат банкларининг филиаллари уларга бош банк томонидан берилган ваколат доирасида кредитлар бериш тўғрисидаги аризага мазкур Низомнинг 24 ва 25-бандларида кўзда тутилган ҳужжатлар илова қилингандан кейин 10 иш кунидан кечиктирмай уларни кўриб чиқишлари ва кредитни бериш ёки берилмаслиги тўғрисида якуний қарор қабул қилишлари лозим.

Кредит берилиши тўғрисида якуний қарор қабул қилингандан кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда банк ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномаси имзоланади.

Кредит берилиши рад этилган тақдирда, банк томонидан кредитнинг рад этилиши сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма жавоб берилади.

28. Тижорат банки (филиали) кредит қўмитасининг қарори якуний ҳисобланади ва Тадбиркорбанкнинг кредит линияси ҳисобига кредитлар бериш учун асос бўлиб хизмат қилади.

29. Агар тижорат банки филиалининг кредит қўмитаси томонидан кичик бизнес субъектларининг инвестиция лойиҳаси маъқулланганидан кейин Тадбиркорбанк кредит линиясида маблағлар мавжуд бўлмаса, тижорат банки бўлими шу куннинг ўзида вилоят (бош) банкка мазкур кредит линияси бўйича қўшимча ресурслар ажратиш тўғрисида ариза йўллайди.

Банк филиалининг аризасига асосан вилоят (бош) банки ариза олинган кундан кейинги кундан кечиктирмай Тадбиркорбанк кредит линияси ҳисобидан сўралаётган суммани ажратади.

Агар Тадбиркорбанкнинг бош тижорат банкида очилган кредит линиясида маб-

лағлар мавжуд бўлмаса, бош банк ўша куннинг ўзида бу ҳақда банк филиалига маълум қилади ва айни вақтда Тадбиркорбанкка тегишли маблағлар ажратилиши ҳақида буюртма йўллайди.

30. Тижорат банки (филиали) Тадбиркорбанкнинг кредит линиясида маблағлар вақтинча йўқлиги тўғрисида хабар олинганидан кейин бу ҳақда қарз олувчига ушбу хабар олинганидан кейинги кундан кечиктирмай маълум қилади. Айни вақтда банк (филиал) кредит қўмитаси томонидан инвестиция лойиҳалари маъқулланган қарз олувчиларининг календарь навбат тартибидаги рўйхати тузилади.

Кредит олишга навбатда турганлар рўйхатининг банк (филиали) раҳбари имзолаган ва юмалоқ муҳри қўйилган нусхаси банк (филиали) томонидан Марказий банкнинг вилоят Бош бошқармаси ҳамда тижорат банкининг вилоят бошқармасига назорат учун тақдим этилади ва бир нусхаси операциялар залига кўринарли жойга илиб қўйилади.

Тадбиркорбанкдан маблағ келиб тушганидан кейин ушбу кредит линияси ҳисобига кредит берилиши қатъий равишда навбат рўйхатига мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

31. Қарз олувчилар инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослангандиги, банкка тақдим қилинган бизнес-режа, бошқа ахборот ва ҳисоботлардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги, лойиҳаларнинг бизнес-режа асосида амалга оширилиши бўйича қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар.

#### **IV. Кредитларни бериш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш мониторинги тартиби**

32. Кредитлар алоҳида ссуда ҳисобварағини очиш орқали товар-моддий бойликлар учун қарз олувчининг тўлов топшириқномалари асосида тўловни амалга ошириш йўли билан берилади.

Кредит умумий суммасининг 50 фоизини нақд пул билан фермер хўжаликлари ва юридик шахс мақомига эга деҳқон хўжаликларига 1,5 йил (18 ой) муддатгача фақат аҳолидан чорва, парранда, кўчат ва уруғлик сотиб олиш учун беришга йўл қўйилади.

Кичик бизнес бошқа субъектларига кредитлар фақат нақд пулсиз шаклда берилади.

Нақд пул билан берилган кредитларни қайтариш ва улар бўйича фоизлар тўлаш мажбурий тартибда нақд пул билан амалга оширилади.

33. Кредит бўлими бошлиғи (ходими)нинг фармойишига кўра алоҳида ссуда ҳисобварақлари бўйича берилган ссудалар муддатли мажбуриятнома билан расмийлаштирилади, у кредитлаш муддатларига боғлиқ ҳолда 91903 — «Қарз олувчиларнинг ўрта муддатли ссудалар бўйича мажбуриятлари» ва 91905 — «Қарз олувчиларнинг узоқ муддатли ссудалар бўйича мажбуриятлари» кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида тўлиқ қайтарилгунгача ҳисобга олинади.

34. Қайтариш муддати келганда ва қарз олувчида пул маблағлари бўлмаганда кредит муддати кечиктирилган ссудалар ҳисобварағи орқали ундиришга тақдим этилади, унга доир муддатли мажбуриятлар 2-сон картотекага жойлаштирилади ва календарь навбати тартибида ижро этилади.

35. Тижорат банклари кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида доимий мониторингни амалга оширадилар. Мониторинг қарз олувчи лойиҳасини ва кредит шартномаси шартларини амалга оширишга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга йўналтирилиши керак.

36. Мониторинг жараёнида мижознинг хўжалик-молиявий фаолияти, унинг тузилган шартномаларга мувофиқ маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини ба-жариши, ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишлар, муомала чиқимлари, фойда ҳажмлари, ўз айланма маблағлари мавжуд бўлиши динамикаси, товар-моддий бойликлар захиралари аҳволи, айланма маблағларнинг муомалада бўлиши таҳлил қилинади. Банк қарз олувчининг кредитга қодирлик бўйича доимий мониторингини амалга оширади ва уни қарз олувчининг махсус маълумотлар йиғ-мажилдида тизимга солади.

Банкка тақдим этилган гаров ҳолати ҳамда кредитдан самарали ва мақсадли фойдаланилиши жойида ўрганилади.

37. Кредитдан фойдаланиш муддати тугагач, қарз олувчи олинган кредитни банкка ўз муддатида ва шартномада назарда тутилган тартибда қайтариши шарт.

38. Қарз олувчи берилган кредитдан мақсадга кўра фойдаланмаганлиги аниқ-ланган тақдирда банк қарз олувчига бундан кейин кредит беришдан бош тортишга, қарз олувчидан кредит суммасини кредит шартномасида белгиланган тартибда муд-датидан олдин қайтаришни ва ҳисобланган фоизларни тўлашни талаб қилишга ҳақли-дир.

39. Қарз олувчи томонидан кредит бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизлар кредит шартномасида келишилган муддатда қайтарилмаган тақдирда, банк гаров предмети мустақил равишда, судга мурожаат этмасдан, Фуқаролик кодек-сининг 280-моддаси иккинчи қисмига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабрдаги 422-сонли қарори билан тасдиқланган «Банк-ларнинг кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда, унди-рувни қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш Тартиби»да белгиланган тар-тибга мувофиқ ундиришга ҳақлидир.

40. Қарздор кредит шартномаси шартларига биноан кредитни қайтаришдан ва унга ҳисобланган фоизларни тўлашдан ёки шартнома шартларига мувофиқ гаров предмети банк тасарруфига топширишдан бош торган тақдирда, банк хўжалик судига тегишли даъво билан мурожаат этиши лозим.



ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ  
АГЕНТЛИГИ БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**245** Автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташиш йўналишларини очиш (ёпиш) тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
21 майда 1363-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 31 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сонли «Ўзбекистон Республикасида Автомобиль транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қоидаларини ҳамда автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талабларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Илова\* қилинаётган «Автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташиш йўналишларини очиш (ёпиш) тартиби тўғрисидаги низом» тасдиқлансин.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан ўн кун ўтгандан кейин амалга киритилсин.

**Агентлик бошлиғи А. АБДУВАЛИЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 22 март,  
44-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилди.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MOЛИЯ BAZИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**246** Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг  
миллий стандарти (22-сон БҲМС) «Чет эл валюта-  
сида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби»-  
ни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
21 майда 1364-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 31 майдан кучга киради)*

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (22-сон БҲМС) «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби» иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 23 март,  
51-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**247** Ташқи савдо контрактларига идентификация рақамини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
21 майда 1365-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 31 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 6 майдаги «Ўзбекистон Республикасида биржа ва ярмарка савдосини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 223-сонли ва 2003 йил 30 сентябрдаги «Экспорт операцияларни мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 416-сонли қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки **қарор қилади:**

1. Ташқи савдо контрактларига идентификация рақамини бериш тўғрисидаги низом» иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхати-га олинган санадан 10 кун ўтгач кучга киритилсин.

**Давлат божхона қўмитаси раиси Б. МАТЛЮБОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 3 май,  
01-02/19-23-сон

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖАНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 3 май,  
250-В-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилди.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2004 йил 15 майдан 21 майгача бўлган маълумот**

**1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Номзодлик имтиҳонларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раёсатининг 2004 йил 25 мартдаги 103/5-сон қарори.*

**2004 йил 18 майда 1356-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 28 майдан кучга киради).**

2. «Ўзбекистон Республикасининг туристик ташкилотлари томонидан чет эллик туристларни қабул қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *«Ўзбектуризм» Миллий компанияси, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ишчи ишлар вазирлигининг 2004 йил 7, 43, 9/442, 3-сон қарори.*

**2004 йил 19 майда 1357-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 29 майдан кучга киради).**

3. «Марказлаштирилган молиялаш манбалари ҳисобидан объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қурилишини амалга оширишда пудрат қурилиш ташкилотларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2004 йил 4 майдаги 30, 253-В, 60, 6-сон қарори.*

**2004 йил 19 майда 1358-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 29 майдан кучга киради).**

4. «Монополист корхоналар томонидан декларация қилинадиган нархларни қўллаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 30 мартдаги 54-сон буйруғи.*

**2004 йил 20 майда 1359-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 30 майдан кучга киради).**

5. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларига шовқинлар бўйича сертификат бериш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2004 йил 16 апрелдаги 53-сон буйруғи.*

**2004 йил 20 майда 1360-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 30 майдан кучга киради).**

6. «Саноат намуналарига Ўзбекистон Республикасининг патенти бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»

да» *Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 21 апрелдаги 22-сон буйруғи.*

**2004 йил 20 майда 1361-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 30 майдан кучга киради).**

7. «Акциядорлик-тижорат Тадбиркорбанкнинг кредит линиялари ҳисобидан тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредит бериш ҳамда лизинг компаниялари томонидан лизингни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитасининг 2004 йил 13 мартдаги 247-В, 45, 01/06-03-сон қарори.*

**2004 йил 20 майда 1362-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 30 майдан кучга киради).**

8. «Автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташиш йўналишларини очиш (ёпиш) тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2004 йил 22 мартдаги 44-сон буйруғи.*

**2004 йил 21 майда 1363-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 31 майдан кучга киради).**

9. «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (22-сон БХМС) «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисобини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 23 мартдаги 51-сон буйруғи.*

**2004 йил 21 майда 1364-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 31 майдан кучга киради).**

10. «Ташқи савдо контрактларига идентификация рақамини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 3 майдаги 01-02/19-23, 250-В-сон қарори.*

**2004 йил 21 майда 1365-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 31 майдан кучга киради).**

## II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Монополист корхоналар томонидан декларация қилинадиган нархларни қўллаш қоидалари. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (1997 йил 3 август, рўйхат рақами 792).*

**Адлия вазирининг 2004 йил 20 майдаги 116-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

2. Саноат намуналарига Ўзбекистон Республикасининг патенти, дастлабки патентини бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари. *Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (1997 йил 10 сентябрь, рўйхат рақами 367).*

**Адлия вазирининг 2004 йил 20 майдаги 118-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.